

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий газетаси • 1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган



БАРАКА КАРВОНИ

Иштихонга келиб тую тантаналар устидан чиқдик. Туман деҳқончилик-саноат уюшмасининг етакчи мутахассиси Эгамберди Рўзиев бизни Митан кўрғонидagi хонадонлардан бирга таклиф этди. «Бу кўлгў даргоҳ, — деди Эгамберди ака. — Бу ерда қирғин-барот уруш йилларида Лукаш ботир номи билан машҳур бўлган қаҳрамонимиз Лўқмон Уроқов яшаб ўтган. Э, бу хонадонга кимлар ташириб этмаган? Лўқмон аканинг дўстлари бисёр эди. У кишидан ажойиб фарзандлар ва не-не ахшиликлар хотира қолди. Бугун бахтли йилнинг кенжа фарзанди Соибжоннинг никоҳ тўғи».

Иштихонда ажойиб анъана бор. Додлар марсум — пахта йигим-терим олдидан қишлоқларда тўйлар авж олади. Тантаналар бир-бирига уланган кетди. Ана шу тўйларда халқ маъна куч йиғида, одамлар бир-бирлари билан дилдан сўхбат қилиб, талғиди меҳнат довларини забот этишга киришадилар. Биз Уроқовлар хонадонидан, яъни Соибжон ва Нодирхонларнинг висол айёми тантаналарида қатнашиб, айни шу ҳақиқатни ҳис этдик.

Эртасига Иштихон маркази, шаҳарнинг шох қўчаси ҳам гўё ўзига хос тўй босони кийди. Эрталабдан хўжаликлардан келган пахта карвонлари катта кўчини тўлдирди. 1993 йил ҳосилини ортидан тележама ва автомашиналар сисиласи осларда қўзилди. Чехраларда шукронали, деҳқонга хос ўзатилик барқ уради. Сафда туман ва жамоа хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислар, бригада бошлиқлари, меҳнат фахрийлари, кўпбала жамоаларнинг вакиллари бор.

Хажонли дақиқалар бошланди. Тантанани туман ҳокими, Ўзбекистон халқ депутаты Тўрақул Йўлдошев очди. Сабзаларда мусиқа оҳанглари Иштихон осмонига ура янгради.

Халқнинг гўя жўмал ва меҳнатқаш, — деди ҳоким. — Бу йил даладарида ҳосил ҳар қачондиган мўл. Йилни ғалаба навишлас билан йилнинг охирига ишончимиз комил. Негаки, Президентимизнинг гаҳуриятига жавобан пахтакорларимиз астойдил тер тўқиди. Туманимизнинг барча меҳнат аҳлини пахта йигим-теримига — оммавий сафарбарликка даъват этамиз.

Шундан сўнг «Меҳнатроҳат» колхозини раиси Р. Исмомов сўз олиб, мавжуд 624 гектар майдоннинг ҳар гектаридан камда 35 центнердан дўнавоғи йилгид олинишини, режалардан ортиқ 150 тонна тола хўжалик ҳисобига қўлишини ишонч билан қайд этди. «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Т. Бобоқўлов эса ўз хўжалиги бу йил ҳам вилотда биринчилар қаторида маррага етиб келишига пахтакорлар номидан қафолат берди. Шариф Ойлов номи жамоа хўжалиги бошқарувининг таъдиркор раиси А. Ашуров мусобақадорли-

нинг фикрини қўллаб-қувватлади. Бундан ташқари биринчи ҳосил карвонига бағишланган тантаналарда Абдулла Бердиқўлов номи жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муҳитхон Сайдаутов, Мурод Жўраев номи жамоа хўжалигининг илгор бригад бошлиғи Абдурауф Омонов, Азиз Йўлдошев номи жамоа хўжалигидан бригада сарқори Сайдулла Мирзаев, Ҳамид Олимжон номи ва «Уч қаҳрамон» жамоа хўжалигининг бригад бошлиқлари Узоқ Раҳмонов, Баҳри Абдуллаевлар дил сўзларини изҳор этишди.

Пахта карвонига оқ йўл берилди. «Иттифок» жамоа хўжалигининг механизатори Тўра Ҳайитов карвонбоси сифатида дарвозага йўл олди. Унга беқасам тўн ва дўппи тантанали суратда кийгизилди. Шу кўни тайёрлов пунктига Ҳамид Олимжон номи жамоа хўжалиги пахтакорлари йиллик режаларини 8 фойзи, «Иттифок» жамоа хўжалиги заршунослари 5, Мурод Жўраев номи жамоа хўжалиги азаматлари эса 4 фойзи миқдорда пахта топиридилар. Сурат янада ошди.

Мазкур тантаналар Самарқанд вилоти ҳокимининг биринчи ўринбосари Неймат Холиқов, вилот деҳқончилик-саноат уюшмаси раисининг ўринбосарлари Суюн Қўлдошев ва Шодиқул Нисоновлар ҳозир бўлишди.

Тантана ниятсизда туман деҳқончилик-саноат уюшмасининг раиси Элмурод Улуғмуродовни сўхбатга чорладик. — Иштихонлик заршунослар — деди у, — бу йил 12 минг 583 гектар майдонда пахта етиштиришди. Бугун туман бўйича 370 тонна «оқ олтин» хирмонга келиб тушди. Хирмоннинг 20 минг тоннаси, яъни 60 фойзи машиналар ёрдамида териб олинди. Хозир 180 та терим агрегати шай бўлиб турибди. Қўл теримида 10 минг 367 киши қатнашмоқда. Яқинда Самарқанд тибобит, Институтидан яна 3.300 талаба сафга келиб қўшилди. Терим суръатига суръат қўшамиз. Худо хоҳласа, — бир ой ичида маррага етамиз, деб турибмиз.

Абдулла Тўрдиёв, «Қишлоқ ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. (тапдан) туман ҳокими, Ўзбекистон халқ депутаты Тўрақул Йўлдошев, ҳоким ўринбосарлари Зойир Зейдов, Садаҳмад Усмонов ва вилот ҳокимининг биринчи ўринбосари Неймат Холиқовлар лентани қирқиб, биринчи ҳосил карвонига оқ йўл тилашмоқда. 2. «Азамат» жамоа хўжалигининг азамат пахтакорлари ташкил этган илк пахта карвони. 3. Митан пахта тозалаш заводи директори Тўлибий Санаев «Иттифок» жамоа хўжалигининг трактористи Тўра Ҳайитовга «Белингиз маҳкам бўлсин, дўстим!», деб ўзбекистон ахтиром кўрсатди.

Қаҳрамон ЖОНУЗҚОВ олган суратлар.

РЕЖА БАЖАРИЛДИ

Жондор туманига қарашли Навоий номидаги жамоа хўжалигининг Х. Сафаров бошлиқ бригадаси йиллик пахта тайёрлаш режасини ўн иш кўнида бажарди. 45

гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига 126 тонна юқори сифатли оқ олтин топирилди.

Хоразм деғанда аввало қўз олдинда меҳнатқаш, тантин, энг муҳими санъаткор халқ намоён бўлади. Воҳа одамлари нафақат санъатта, шунингдек, ерда гавҳар ундиришга ҳам моҳир. Хоразмликлар жорий йилда ундирилган «оқ олтин»ни ёғин-сочини қуларга қолдирмай, қисқа муддатда йигиб-териб олиш ва режани 20 октябрга бажариш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Заршунослар ишни унумли ва юқори суръатда ташкил қилиш, айни қуларда давлатга пахта топириш кўнлик кўрсаткичини йиллик режага нисбатан 3,5-4 фойзга олиб чиқишга муваффақ бўлишмоқда. Биз вилот ҳокимининг ўринбосари ҚАЛАНДАР САФОВ билан телефон орқали мулоқотда бўлдик.

— Деҳқон «ғалвирни сувдан кўтарадиган пайт» келди — деди Қаландар ака. — Энди ҳамма гап уша галвирда қоладиганда. Лекин, ҳосил қўғи ёмон эмас. Худо хоҳласа юзимиз ёруғ бўлиб, берган ваъданимиз устидан чиқамиз. Барча деҳқонларнинг орау-истағи ҳам шу. Ҳосилнинг баракаси — уни нест-нобуд қилмай охири мисқолигача териб олишди. Бу йил вилот бўйича 162 минг киши йигим-теримда қатнашмоқда. Ўтган йили 90 мингта яқин одам ишлаган эди, холос. Бунинг сабаби, Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан бу йил ҳар бир килограмм пахта учун 25 сўмдан ҳақ тўланаётганлики. Одамлар пахтанинг нима эканлигини, ундан келатган даромадини энди тушуниб етишди. Есак овуқат, кийса кийим, ётса кўрпа бўладиган бу улуг неъматга одилонга ҳақ тўлашиб, йил охирида яна қўшмади. Саломқили муқофот пули олгач деҳқонда пахтага нисбатан муносабат ўзгарди. Хўжаликлар ҳам кам бўлаётгани йўқ. 85 фойздан юқориси ва режалардан ортиқ узиники бўлган толадан олинаётган фойда хўжаликлари оёққа туртиб олишга имконият яратмоқда.

— Ҳозир қайси туманларда йигим-терим уюшқонлиги билан олиб бораётиб?

— Айни паллада теримни уюшқонлиги билан олиб бо-

ҒАЙРАТИНГГА БАЛЛИ, ХОРАЗМ!

ришайтган Дўстлик, Янгиарик, Хива ва Гурлан туманлари миришқорлари пешонаданини қўлдан бермай келаяпти. Айниқса, Дўстлик тумани пойгада биринчи. Шу кунгача туманда йиллик режаларини 74 фойза бажаришди. Суръатини бушатиб меҳнат қилишса, бир ҳафтадан сўнг ғалаба ҳужжатига имзо чекишди. Янгибозор, Янгиарик, Хонка, Гурлан ва Шовот туманларида машина терими бошланди. Пахтазорларга 121 та «зангори кема» чиқарилди. Кечанинг ўзида бу машиналар бункеридан давлат хирмонига 381 тонна «оқ олтин» тўқилди. Бир тонна пахта учун механизаторларга 750 сўмдан ҳақ тўланаётган. 16 минг 300 гектар ер дефолляциядан чиқарилди. 206 та ОВХ пурақачи тушукун ишламоқда. Эрта-индин вилот бўйича ялпи машина

теримида киришди. Жами 1200 та пахта терим машиналари эгарланган тойдек эгат бошида турибди. Кеча вилот даладарида 10 минг тоннага яқин «оқ олтин» териб олинди. Мавсум бошидан бери 136 минг тонна сифатли хом ашё жамғарилиди.

— Ғолиблар хусусида ҳам тўхталсангиз...

— Бундай хўжаликлар со-

ни вилотимизда юздан ошди. Юқорида айтиб ўтганим-

лоберган Шомуродов эса бир ярим гектар майдондан 4300 ўрнига 5600 килограмм сифатли хом ашё олиб, ҳосилдорлигини 34 центнерга етказди.

Бундан ташқари ўз хоҳиши билан ижарага ер олиб пахта етиштиратган корхоналар ва ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Урганч тумани халқ маорифи бўлими ҳодимлари шулар жумласидандир. Улар икки гектар май-

раҳбарлари, таъминот ташкилотлари мутасаддиларини йиғиб, кенгаш ўтказдик. Аёнки, мавсум пайти теримчи ва механизаторлар бозор ва дўконга боришга вақти бўлмайди. Шу сабаб кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари, мева, сабзавотларни шийпонларга олиб келиб сотиш йўлга қўйилди. Бу колхозчининг оғирини енгил қилиб, вақтини тежамолар. Натижада меҳнат унумдорлиги ортмоқда. Бундан ташқари тиббий хизмат, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари далага қўйилган. Ҳар бир хўжалик дала шийпонларида бепул иссиқ овқат ташкил этилган. Улар ҳузурига санъаткорлар, шоирлар ташириб буюришиб турибди.

— Қандай қамчилик ва муаммолар бор?

— Ҳозир бизни ташвишлантиратган энг муҳим нарсаси бу — пул ва ёнгли масаласи. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўра, теримчи ва механизаторларга ҳосил учун ҳақнинг қунағисини кунда берилиб турибди. Аммо, марказий банк бераётган пуллар етмапти. Эрта-индин машиналар ялпи теримга тушса, пул етказиб бера олмай, колхозчилар олдидан ер чиғиб қолганимиз мумкин.

Ёнгли-моллаш маҳсулотлари ҳам тақчил. Йигим теримни беталофот ўтказиб олишимиз учун камда 33 минг тонна ёнгли керак бўлади. Қулиқ метёр эса 460 тоннага ташкил этмоқда. Шунингдек, аккумулятор ва бошқа эҳтиёт қисмлар ҳам етишмапти. Таъминот яхши бўлса, маррага тейроқ етамиз. Бу ишга масъул раҳбарлар тейроқ зарур чора-тадбирларни қўрсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири Раҳмонли АКБАРАЛИЕВ сўхбатлашди.

СЕРҒАЙРАТ ЧЕВАРЛАР

Навоий туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги аэзоли жорий йилда 1030 гектар майдонга чигит экиб, 2700 тонна пахта олишни режалаштиришган.

Бу йил ялпи ҳосилнинг 70 фойзи ён 1800 тоннаси машиналар билан териб олинди. 13 та терим агрегати теримга шай турибди.

Механизаторлар Намоз Ражабов, Нийс Қўлиев, Фахриддин Хантов, Намоз Эшонқўловлар долзарб мавсумда 100—150 тоннадан оқ олтин териб беришни қўзлашмоқда.

Шу кунгача 5 та ОВХ билан 500 гектар пахта дала-си дефолляция қилиб бўлиди. 13 та пахтачилик бригадаси илгорлари Низоми Ҳасан, Ҳасан Қўрбон, Нормурод Наримов, Истам Раҳмоновлар 100—110 гектар майдонда оқ олтин етиштириб, 32—33 центнердан хирмон кўтаришнинг режалаштиришган.

Ҳозирги кунда пахта теримига 500 киши жалб қилинган бўлиб, пахтакорлар ҳар кўни 1 фойздан, яъни 30—35 тоннадан пахтани хирмонга уймоқдалар. Қўл терими илгорларидан Гулдона Сафарова, Матлуба Бердирова, Гулдона Рўзиева, Адолат Шодиевалар ҳар кўни 100—150 килограммдан пахта теримига муваффақ бўлишмоқда. Хўжалик туманда пахта теримига етакчилик қилиб келмоқда.

Воси НОСИРОВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1993 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Вилоятлар	Режадаги нисбатан фойз ҳисобида			
	Жами	Шу жумладан машина терими	Бир кўнда	Мавсум бошидан
Хоразм	3.17	43.98	0.30	1.13
Сурхондарё	2.90	38.05	2.06	13.58
Бухоро	3.08	33.18	0.75	2.99
Қорақалпоғистон Республикаси	2.87	23.86	1.93	8.10
Фарғона	2.29	17.65	0.21	4.76
Қашқадарё	2.33	15.01	1.24	5.33
Андижон	1.99	13.41	0.03	0.27
Навоий	1.62	9.63	0.20	0.42
Наманган	1.30	5.97	0.12	0.42
Тошкент	0.49	3.51	0.00	0.00
Самарқанд	0.95	2.84	0.03	0.03
Ўзбекистон Республикаси бўйича	0.36	2.20	0.18	0.50
Сирдарё	0.22	0.79	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича	1.87	16.85	0.59	2.85
1992 йилнинг шу кўнида	1.01	8.16	0.26	1.05
Шу жумладан илгичка				
Сурхондарё	2.37	24.58	0.00	0.00
Наманган	0.64	3.07	0.00	0.00
Қашқадарё	0.42	1.98	0.00	0.00
Андижон	0.00	0.00	0.00	0.00
Бухоро	0.00	0.00	0.00	0.00
Навоий	0.00	0.00	0.00	0.00
Ўзбекистон Республикаси бўйича	1.91	19.20	0.00	0.00
1992 йилнинг шу кўнида	0.78	7.04	0.00	0.00

Б М Т СЕССИЯСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессияси давом этмоқда.

27 сентябрь кўни сессияда Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон сўзга чиқди. АҚШ Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятини ижобий баҳолаб экан, бугунги кунда бўлиб халқаро ташкилот учун янги давр бошланганини қайд этди. Буюк давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик ўрнига амалий ҳамкорлик учун янги умид пайдо бўлганини таъкидлади. Билл Клинтон ҳозирги даврда мамлакатининг асосий мақсади — жаҳоннинг бозор иқтисодиётига асосланган демократик мамлакатлари ҳамдўстлигининг кенгайиши ва мустақамлаштишга қўмақлаштиришдан иборат эканини айтди.

Бош Ассамблея сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов иштирок этмоқда.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ НЬЮ-ЙОРКДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 сентябрь кўни Нью-Йоркдан Тошкентга қайтиб келди. Мамлакатимиз раҳбари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Тайёрағида Ислам Каримови Республика Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Э. Халилов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари М. Умурақов, Т. Алимов, А. Азизжўраев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Кутиб олувчилар орасида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги фаёлуллода ва мухтор элчиси Генри Лия Кларк ҳам бор эди.

(ЎзА).

ЧЎЛҚУВАРЛАР БЎШ КЕЛИШМАЙДИ

Қўриқ Жиззах вилотидаги Арнасой ва Мирзачўл туманлари пахтазорларида терим машиналари олиб чиқилди. Механизаторлар дастлабки кўнларда юқори унумга эришмоқда.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков Арнасой туманидаги 14-А иккара ширқилар уюшмасининг 46ўлини, Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» иккара ширқилар уюшмаси даладарида бўлиб, Пахтакорлар билан сўхбат чоғида вилотда ҳосил қўғи чакки эмаслигиндан мамнуният билдирди. эндинги вазири уни ёғин-сочини қуларга қолдирмай йиғиштириб олишдан иборат экани, бунинг учун эса барча имкониятлардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Пахтакорлар билан сўхбатда вилот ҳокими А. Тошкентбоев қатнашди.

(ЎзА).

ИЗЛАНИШЛАР ДАВРИ

Бухорода вилот фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Президенти Ислам Каримовнинг Олий Кенгаш ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқида ва «Ўзбекистон» бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида ўртага қўйилган ваъдалар муҳокама этилди. Вилот ҳокими Д. Едгоров шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш соҳасида белгилаб берган таъминотни бугунги кунда тиним йиллаш, барча янгиликларни, ҳозирги технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, саноатни кишлоққа олиб келиш, маиший хизмат корхоналари очиб асосий вазиға бўлиб қолаётганини таъкидладилар. Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурақов йиғилишда сўзга чиқди.

(ЎзА).

СУВОРИЙЛАР ШАЙЛАНИШДИ

оширган ушбу операция давомида катта миқдорда қурол
ва ўқ-дори сақланаётган омборлар ҳам аниқланди.

(ЎзА).

